



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 31 август, сешанба № 121 (768)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Истиклол байрами арафасида мамлакатимизда йирик иншоотлар, қорхоналар, боғ ва хиёбонлар, ўқув даргоҳлари, спорт мажмуаларини фойдаланишга топшириш яхши аънамага айланган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллик тўйини ҳам халқимиз ажойиб тўёнлар билан қарши олмакда.

28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Тошкент шаҳридаги ана шундай байрам иншоотлари билан таниди.

Дастлаб, давлатимиз раҳбари тўлиқ таъмирдан чиққан Ўзбекистон Миллий цирки биносини кўздан кечирди.

Айтиш жоизки, 1975 йилда қурилган цирк шу пайтгача умуман таъмирланмаган эди. «Тошўйжайинвестуририш» корпорациясининг «Сифат» акциядорлик қорхонаси томонидан амалга оширилган таъмирлаш ишларидан сўнг у бутунлай ўзгача чирой касб этди. Цирк олдидаги фавворалар, ободлаштириш ишлари, бинонинг ташқи кўринишидаги ранглар, фойе ва залдаги меъморий ўзгаришлар, замонавий ёритиш ва овоз кучайтириш жиҳозлари, совутиш ва иситиш тармоғи кишини қувонтиради.

Юртбошимиз цирк, аввало, болаларнинг севимли масканига айланиши, бу ердаги барча жиҳозлар уларнинг эҳтиёжига қараб ўрнатилиши лозимлигини қайд этди. Бу ер нафақат болаларимиз томоша кўрадиган, балки дунёни, унинг сирларини ўрганадиган, инсон нималарга қодир эканлигига гувоҳ бўладиган жой бўлсин, деди Президент.

Байрам тўёнларидан

яна бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилган янги кўприкдир. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ободлаштириш бош бошқармаси буюртмасига биноан, 7-кўприк қурилиши трести ҳамда «Тошметроқурилиш» бошқармаси томонидан бунёд этилган бу иншоотнинг умумий узунлиги 500 метр. Унда икки йўналишда бир йўла уч қаторда машиналар ҳаракат қилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, янги иншоот ўзининг қурилиш услуби, технологияси, мустаҳкамлиги билан Ўрта Осиёда ягона. Монолит қўйма кўприкни барпо этишда тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор берилиб, унинг қурилишига 500 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди. Тежамкорлик, замонавий технология ва албатта, бунёдкорларимизнинг маҳорат ва матонати 1,5 йилга мўлжалланган ишнинг саккизи ойда бажарилишига сабаб бўлди.

Кўприк билан танишув чоғида Президент Ислам Каримов одамларнинг узогини яқин, мушуқлини осон қиладиган бу иншоотни барпо этишда қатнашган қурувчиларга миннатдорлик билдирди, унинг кулай ва мустаҳкамлигини алоҳи-



да таъкидлади. Кўприк дилларни муштарак қиладди, кўнгилларни яқинлаштиради, кўприк бор жойда тараққиёт бўлади, деди йўлбошимиз.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари илгари қурилиш ишларида катта хатоларга йўл қўйилганлигини ҳам айтиб ўтди.

1966 йилги зилзиладан сўнг Тошкентда улкан қурилиш ишлари бошланган эди, деди жумладан Президент. Лекин, уларнинг барчаси пала-партиш, шовша-шовшарлик билан амалга оширилган. Келажакда коммуникациявий тармоқлар, газ, сув, электр тармоқлари, транспорт йўллари ўтказиш зарурати эътибордан четда қолганди. Шу боис, ҳозирги бунёдкорлик ишларини шундай тарзда амалга ошириш лозимки, иншоотлар мустаҳкам, қўлай, кўркам бўлиши билан бирга, замон талабларига ҳам жавоб берсин.

Ислам Каримов ташландиқ майдон ўрнида қад ростлаган кўркам Юнусобод дехқон бозорини ҳам кўздан кечирди. 1500 савдо ўрнига мўлжалланган бу иншоотнинг қурилишига 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Бозорда гўшт-сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳам алоҳида павильон қурилган бўлиб, у совутич ва музлатгичлар ҳамда бошқа зарур замо-

навий техника билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари янги иншоот билан танишар экан, истиқлолдан сўнг мамлакатимиз бозорлари янги чирой касб этиб, сотувчи ва харидорлар учун барча шароит яратилётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамаккачилик даври қурбонлари хотира мажмуи барпо этилади.

Мамлакатимиз Президентини бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, мазкур мажмуа юртимиз мустақиллиги учун қурашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва озодликка қорлаган, мустабил тузум йилларида қатагон этилган ватандошларимизнинг мўътабар хотирасига чуқур эҳтиром рамзига, халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳига айланиши зарурлигини алоҳида қайд этди.


Шунингдек, Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг спорт мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Жаҳон андозалари асо-

ганлигидан мамнуният изхор этди.

Шу ернинг ўзиде Президент Ислам Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

Биз нишонлаётган байрамлар орасида энг улуғи ва аҳамиятлиси — бу Мустақиллик байрамидир, — деди жумладан давлатимиз раҳбари. — Бу кунда биз ўтган даврда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиламиз, босиб ўтган йўлимизга яна бир назар ташлаб, баҳо берамиз. Шу маънода айтиш мумкинки, мустақиллигимизнинг ҳар бир йили олдимизга қўйган мақсадларимиз томон ташланган яна бир муҳим қадамдир. Одамлар биз танлаган мустақиллик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар йўли тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилмоқда. Энг муҳими, миллати, эътиқоидан қатъий назар, бу ҳақиқатни чуқур англаб етмоқда. Зеро, мақсадимиз — одамларимизга энг ривожланган мамлакатлардагидан ҳам кўра яхшироқ турмуш шароити яратиши. Мен шундан мамнунманки, ўтган бир йил давомида биз бу борада кўп ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бугун биз кўрган иншоотлар эса, бунинг яққол далилидир.

Беҳзод Усмон, Анвар Бобоев, ҲА мухбирлари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

М.Абдуллаев, Ҳ.Ҳайдаров ва Т.Тургуновларни мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришдаги катта хизматлари, бокс бўйича жаҳон чемпионатида эришган юксак галабаси ҳамда ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун куйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан Абдуллаев Махамматқодир Махамматқубович - Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг йўриқчиси, Бокс бўйича жаҳон чемпиони ва куйидагиларга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилсин: Ҳайдаров Ҳатирбек Абдужалилович - «Динамо» спорт жамаиати йўриқчиси, Бокс бўйича жаҳон чемпиони

Тургунов Тўлқинбой Бултургович - «Динамо» спорт жамаиати йўриқчиси, Бокс бўйича жаҳон чемпиони кумуш медаль совриндори

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1999 йил 30 август

«Шарқ тароналари» кундалиги

ДИЛЛАРНИ ДИЛГА ПАЙВАНД ЭТГАН «МУНОЖААТ»

28-29 август кунлари «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусика фестивали учрашув, танишув, ўзаро музокара ва баҳсларга бой бўлганлиги билан алоҳида ажралиб турди.

Шу кунлари бош майдонда Регистонда ўрнатилган саҳнада Индонезия, Исроил, Покистон, Иордания, Бангладеш, Россия, Грузия, Қирғизистон, Руминиядан келган санъаткорлар «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танловига қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этди. Жанубий Корея, Манголия, Хитой, Тожикистон, Миср, Австралия, Франция, Лаос, Швеция ва мамлакатимиз хонандаю созандаларининг ранг-баранг чиқишлари уюштирилди.

Оҳанглар ҳам шаклан, ҳам мазмунан хилма-хил бўлса-да, уларнинг ҳар бирида чин инсоний туйғулур - Ватанга муҳаббат, она юртини севиш, одамлар ўртасида дўстлик, бир-бирига ҳурмат яққол сезилиб турганлигини ҳис этиш қийин эмасди. Мусика санъати миллат танламайди, чегара билмайди, ўз моҳияти эътибори билан умумбаршарий гоғларни сингдиришга хизмат қиладди. Бу, айниқса, калифорниялик /АҚШ/ бир гуруҳ мусикачилар «Муножаат» ўзбек миллий ашуласини қиёмига етказиб ижро этишганида яққол намён бўлди. Саҳнани олқишу қарсақлар тутиб кетди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу йил фестивал қатнашчиларининг маданий хордиқ чиқишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шаҳардаги тарихий меъморчилик обидалари ва диққатга сазовор қадамжолар бўйлаб уюштирилаётган саёхатлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, зиёли-

лар билан бўлаётган учрашувлар, кўрғазма ва рекламалар тадбирлар меҳмонларда яқинка катта таассурот қолдирмоқда.

Фестивал иштирокилари таркиби мени гоёт ҳаҳжонга солади, — дейди ЮНЕСКО вакили жаноб Барри Лейн. — Бу ерга дунёнинг даярли барча қитъаларидан вакиллар келишган. Кўча Регистонда Африка, Америка, Европа, Осиё халқлари мусикаси янграб турибди. Яна айтиш керакки, анжуман мусикашунослик борасида ҳам жуда қизиқарили ўтмоқда. Мамлакатингиз соҳибқирон Амир Темур даврида маънавият маркази бўлган яхши биламиз, Эндилдикда бу аъна яна давом этиб, қадимий маданий мерос қайта тикланмоқда.

Фестивал доирасига кирувчи яна бир йирик тадбир муваффақиятли ўтди. Мухташам «Афросиёб» меҳмонхонасида ўтказилган «Шарқ халқлари чолғу асбоблари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон мерос маркази директори Мунар Бушиники сўзга чиқиб, фестивал ва конференция дунё халқлари маънавиятини бойитишга катта ҳисса қўшилиши таъкидлади.

Тадбирда турли давлатлардан ўндан зиёд танли мусикашунос, мухасис ва олимлар иштирок этди. Улар анжумандан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар, истак, мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Ҳ.ШУКУРОВ, ҲА мухбири

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Американинг Ҳьюстон шаҳрида бокс бўйича Х жаҳон чемпионати нихосига етди. Унда 83 мамлакатдан келган энг кучли спортчилар иштирок этди. Ўзбекистондан эса 12 спортчи катнашди.

1974 йилда Гаванада бўлиб ўтган дастлабки жаҳон чемпионатида ўзбек боксчиси Руфат Рисквев биринчи жаҳон чемпиони бўлган эди. Йигирма йилдан сўнг Ҳьюстон шаҳрида Ўзбекистон вакили - Уткирбек Ҳайдаров Руфатнинг муваффақиятини такрорлади, — дейди Ўзбекистон Бокс федерациясининг бош котиби Алишер Қодиров. — Уткирбек ҳам Руфат Рисквев каби кучли рақиблари устидан галаба қозониб, вазни 75 килограммгача бўлган боксчилар тоифасида чемпион бўлди.

Финалда яна бир ўзбекистонлик боксчи - Мухаммадқодир Абдуллаев ажойиб галабага эришиб, 63,5 килограмм вазли спортчилар орасида олтин медални қўлга киритди. 57 килограмм вазли спортчилар тоифасида иштирок этган Тўлқин Тургунов кумуш соврин эгаси бўлди.

Ҳьюстонда ўтган Х жаҳон чемпионатида умумкоманда ҳисобида АҚШ ва Куба терма командаларидан кейинчи учинчи ўринни эгаллаган ўзбек боксчиларининг муваффақияти 2000 йилда Сиднейда бўладиган Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришишга жиддий асос бўлади.

Ўзбекистон боксчилари Ҳьюстондаги Х жаҳон чемпионатидаги муваффақиятларини мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигига бағишламоқдалар.

(ҲА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент, Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, равнақ ва муваффақият истаги билдирилган жўшқин тилакларимни катта мамнуният билан йўлламоқдаман.

Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ижобий тарзда ривожланиб бораётгани, шунингдек, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз сезиларли даражада юксалаётганидан беҳад мамнунман. Мамлакатларимизни боғлаб турган дўстона ва ўзаро ишончли муносабатлар келажақда янада мустаҳкамланишига тилақдошман. Франция Марказий Осиёда юз бераётган ўзгаришларга катта эътибор қаратмоқда ва Ўзбекистоннинг минтақада барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолайди.

Жаноб Президент, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Жак ШИРАК, Франция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккизи йиллиги муносабати билан Хитой халқи номидан, шунингдек шаҳсан ўз номидан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига сизидилдан қутловлар йўллайман.

Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин ўтган етти йилдан кўпроқ вақт мобайнида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йилнинг кузида Хитойга қиладиган ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга шубҳасиз янги қувват бағишлашига ишончим комил.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мухтарам Президент, Сизга мустаҳкам соғлиқ, олижаноб фаолиятингизда бундан буён ҳам янгидан-янги муваффақиятлар тилайман

Мамлакатингизга равнақ ва қудрат, унинг халқига эса бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Цзян ЦЗЭМИНЬ, Хитой Халқ Республикаси Ранси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мустақиллик кунини муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Хиндистон ҳукумати ва халқи номидан самимий табриқлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён мамлакатларимиз аънаваний ижобий муносабатларимизни мустаҳкамлаш ва бойитиш йўлида қатор аниқ тадбирларни амалга оширдилар. Бу борада эришган салмоқли муваффақиятларимиз бизда қониқиш ҳосил қилмоқда.

Жаноби Олийлари, Сизга келажақда муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва юксалиш борасидаги тилакларимни қабул этгайсиз.

Кочерил РАМАН НАРАЯНАН, Хиндистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мус-

тақиллик кунини муносабати билан самимий қутловларимни ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик ва дўст ўзбек халқининг фаровонлиги ва раванки йўлидаги ишингизда муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

Роғат зўр мамнуният билан шуни қайд этаманки, фаоллик ва манфаатдорлик билан олиб бориладиган икки томонлама сиёсий мулоқот мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ҳамда Европа-Кавказ-Осиё йўлига очиш борасидаги лойиҳани амалга ошириш, Жануби-Шарқий Европада ва Марказий Осиёда ҳам, шунингдек янада кенгроқ жўғрофий-сиёсий майдонда ҳам тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш учун халқларимизнинг ижодий салоҳиятини авж олдиришда бағоят қўлай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Петр СТОЯНОВ, Болгария Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мустақиллик кунини муносабати билан гоёт самимий қутловларимни қабул қилгайсиз


Ишончим комилки, Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг кўп йиллик тажрибаси мустақил давлатларимизни раванқ топтириш йўлида бундан буён ҳам қўлайимиз бораверади.

Азиз дўстим, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлат ишларидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Қамолот эҳтиром билан, Леонид КУЧМА, Украина Республикаси Президенти

Ватан мукофотига мушарраф бўлганлар

ҚАМЧИҚ ДОВОНИ — БАХТ ЙЎЛИ



Камчиқ довоғанида халқаро коммуникацияни ривожлантиришга хизмат қиладиган аjoyиб йул қурилиши бошланганида радио муҳбири: Шу онларда хаёлин-гиздан нималар кечаяпти, истиклол сизга нима берди, - дея савол берганди. Бағоят улуг, тарихий ишга хисса қўшаётганимдан бошим осмонда. Буни ўзим учун катта бахт, деб биланман. Истиклол менга, оила аъзоларимга ўзимизни хақиқий инсон деб хис этишимизга имкон берди, ўзлимизни англадик, - ҳаяжонда айтган гапим шу бўлди. Кейинчалик мушоҳада юритар эканман, мустақиллик нақадар улуг неъматлигини англадим. Биласизки, Фарғона водийсини Камчиқ довоғани орқали пойтахт билан боғловчи А-373 Тошкент - Ўш йули бутунлай янгитдан бунёд этилаётди. Қудратли техника, азамат йулсозлар куч-қудрати мўъжиза яратаяпти, деса-сам муболага бўлмас. Хаттоки, кечалари ҳам кучли ёриткичлар ёрдамида меҳнат қилиб, суръати бирдам бўшати-тирмаймиз. Ҳар бир ишчи ўз вазифини жиддий муносабатда билади. Меъёрини орғини билан адо этиш, ҳамкасбни

суяш, ойма-ой мақсад сари қилди интилиш кундалик шioriимизга айланган. Биз ишлаётган жойдан унча узоқ бўлмаган ердаги бетон қоришмалар тайёрлаш корхонаси ишчиларига раҳматлар айтамыз. Улар чинакам жонбозлик кўрсатишяпти. Ишда ўзи-лишлар бўлаётгани йўқ. Йул қурилиши шароитида эксковаторчи, булдзёрчи ҳам алоҳида ўрин тутади. Пировард натижа техника ихлосмандларининг гайрат-шижоатиға кўп жиҳатдан боғлиқ. Кўпчилик эксковаторчи Манноп Кимсановни чин дилдан ҳурмат қилади. Ташкилотчи, камсуқум, ҳаммиса жамоа манфаати йўлиға кўйиб-пишадиган бу инсон шахсий намунаси кўпчиликини руҳлан-тирмоқда. Манноп ака тўғриси-уз, айни пайтда фир-ромлики ёқтирмайди. Яна бир фазилати катта жамоа-миздаги бирор кимса ха-фароқ кўринса, аниқроғи, хаётида муаммо пайдо бўл-са, биринчи бўлиб ёрдам кўлини чўзади. Шунинг учун ҳам йулсозлар М.Кимсанов-ға ўшаганлар жамоамиз юрағи деб фахрланиб қўйишади. Булдзёрчи Аваз Сот-волдиев хақида ҳам яйраб гапираман. У камгап, синч-ков, шунингдек, ўта тад-биркор. Вақтдан, техника-дан унумли фойдаланишга имкон берадиган қатор так-

лифларни илгари суриб, ишимизга катта наф кел-тирди. Йул қурилишининг ўзи-ға хос нозик нуқталари бў-лади. Иккита тоғ тоннели қурилиши алоҳида диққат марказда бўлаяпти. Бирин-нинг узунлиғи 300 метр, ик-кинчисиники 900 метр. Ҳамжихатлик, фидокорлик туфайли ишлар кўнгилда-ғидай бораёпти. Фарғона-лик, наманганлик йулсоз-лар икки-уч йил ичида ул-кан натижаларни кўлга ки-ритишди. Йўлнинг эни 24 метр бўлади. Демак, ав-валгисидан 5-6 марта кат-тар. Баъзида ҳамкасблар-имга синчков назар таш-

лаيمان. Шунда чехралар-даги мамнунлик, эртанги кунга ишонч руҳимни яна-да кўтарди. Бу ерда ма-данний-маиший тадбирлар жуда яхши йўлга қўйилган. Тўрт маҳал иссиқ овқат бе-рилади. Кўнгилли бу олим-шимиз ўчун ҳам шароит муҳайё этилган. Ҳар бир бунёдкорнинг ўртача ойлик маоши ўрта ҳисобда 25 ми-нг сўмини ташкил этмоқда. Мухими, инсон кадр-ким-мати албатта. Юқорида муҳбир саволларига жа-вобимда шуну эрдан чиқар-ган эканман. Ҳа, истиклол кадр-кимматининг, изза-тимизни ўрниға кўйди. Бўлмасан, мендек оддий бир қурувчи, камсуқум ин-сон фарзанди «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвоғиға, «Ол-тин Юлдуз» медалига саво-зор бўлардимиз. Кўни-кеча кўпашла-ди, азим пойтахтимиз Тошк-ентнинг бугунги чиройи ҳа-қида ҳикоя қилувчи ҳужжат-ли фильмни мириқиб то-моша қилдик. Тошкент мус-тақиллик шарофати ту-файли афсонавий шаҳар-ға айланди. Бир-биридан шинам, салобатли бино-лар, кенг, раvon қўчалар, хиёбонлар, фавворалар,

Улуғбек УМАРОВ, Фарғона автомобил йўлларини мунтазам фойдаланиш бошқармасининг автоскрепер хайдовчиси, «Ўзбекистон Қаҳрамони».

Бошқаларға тобеликдан халос бўлган, ўз хоҳиши, иродаси, фикр-зикри билан яшаётган халқимиз ва яшнаётган озод ва обод юртимиз тарихан жуда қиска вақтда барча ривожланган давлатлар томонидан тан олинди.

лашға киришди. Судьялар сафини мутахассислар билан тўлдирди, судьяликка номзодлар тайёрлаш, ижтимоий хийолаш ва моддий жиҳатдан таъминлаш, судлар-

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИ

Мустақиллик халқнинг бошқаларға қарам эмаслигини, давлатнинг бошқа давлатлар иэми билан эмас, ўз эрки билан иш-тутушини аниглади. Ҳу-дуди, иқтисоди, сиёсий тузуми бировларға эмас, ўз манфаатига хизмат қиладиган юртдағи тинч-лик, осийшталлик, ҳам-жихатлик қарор топади. Юртбошимиз Ислоом Каримов Ўзбекистоннинг келажағи буюк эканлиғи-да барчада ишонч ҳосил қилди, гайрат бағишла-ди. Ўзлигимизни янада чуқурроқ англаймиз, маънавиятимизға сунби, шунчаки демократик ҳуқу-қий давлат эмас, балки одил жамият кураётим-из. Бу йўналишда ижти-моий тузумимиз, давлат ҳокимиятимиз замонавий даражаға кўтарилди. Қо-нун қилиш ва ижроия ҳокимияти кўп қиррали сермазмун фаолият кўр-сатмоқда. Суд ҳокимияти-

эканлиғи эътироф этилди. Суд ҳокимиятининг моҳия-ти, ташкилий асослари, фаолият принциплари Асо-сий қонунимизнинг алоҳи-да бобидан жой олди. Биринчи марта одил суд-ловни уч туркумдағи суд-лар - Конституциявий суд, умумий судлар ва ҳужалик судлари, ҳар бири ўз ва-қолатлари доирасида амалға ошириши, фавку-лодда судлар тузишға йул қўйилмаслиғи қафолатлан-ди. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бир-лашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фу-қаролар учун мажбурий эканлиғи таъкидланди. Конституция талаблари-ға биноан Судлар тўғриси-да 1993 йил 2 сентябрда, Конституциявий суд тўғри-сида 1995 йил 30 август қа-бул қилинган қонунларда суд тизимини ташкил этиш ва фаолиятиға оид батаф-сил қўдалар баён этилди. Уларда судьяларни сай-лаш, тайинлаш ва лавози-мдан озод қилиш, судья-ларнинг дахлсизлиғи, иж-тимойий ҳимояланиши каби олий мақоми батафсил ифодаланди.

да иш юритув тартиб қои-даларини такомиллашти-риш, судға мурожаат этиш билан унда иштирок этиш фуқаролар учун яна-да қулайроқ бўлишиға эришиш йўлида ҳали ан-ча муаммолар бор. Одил судловда сансалорлик, расман ҳам, маъмуан ҳам юзаски, хато қарорлар, ҳу-қимлар чиқаришға чек қўйиши таъминловчи қо-ралар кўриш лозим. Улар-ни фақат ҳуқуқшунослар даврасида ва махсус тад-қиқотларда баён этмай, кенг жамоатчилик ишти-рокида муҳокама қилинса, мақсадға мувофиқ бўлар-ди. Ҳозир айниқса суд, тергов, суриштирув, про-куратура, адвокатур ва адлия идораларининг ўза-ро муносабатларида тур-лича ёндошишлар мав-жуд. Уларнинг ҳар бири одил судловға хизмат қи-лиши зарурлиғи исботға муҳтож эмас. Бу борада ажнабий мамлакатларда-ғи қонун- қўдалар ва уларнинг амалиёти билан танишиш, биздағи шарт-шароитлар билан таққос-лаш вара талабидир.

Суд ҳокимиятининг мус-тақиллиғиға раҳна солиб турган бир қанча ҳолат-ларға суд ислохоти жараё-нида бархам берилишиға аминман. Эски қонунлар-нинг қолдиқларидан тез-роқ софланганимиз зарур. Масалан, 1992 йил 9 де-кабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғриси-дағи қонуннинг 39- ва 41-моддалари суд ҳукми ва қарорларининг ижросини суд билан келишмай, ҳа-то унга хабар бермай тўх-татиб қўйишға имкон тўг-диради. Бир томондан суднинг ҳужжати Консти-туцияимизнинг 114-мод-дасиға биноан барча учун шу жумладан прокуратура учун ҳам бажарилиши мажбурий. Иккинчи то-мондан эса прокурор ҳар қандай суд ҳукми ва қарорларини бажармаслик ҳақида топшириқ бера-олади. Қонунларимиздағи бу хил зиддиятлар суд ҳокимиятининг мустақил-лиғиға ҳалал беради.

Суд ҳокимияти қанчалик мустақил бўлса, унга ҳур-мат, эътибор, қолаверса судьяларнинг ўз вазифи-сига масъулияти ҳам шун-чалик ошади. Бу эса мус-тақил давлатимизнинг қудрати мустаҳкам бўли-шиға, юртимизда адолат барқарор бўлишиға замин яратади.

Фафур АБДУМАЖИДОВ, Конституцион суднинг судьяси, юридик фанлари доктори, профессор.

БАЙРАМОЛДИ САВДО ЯРМАРКАЛАРИ

Байрамлар ва халқ сайилларини савдо ва умумий овқатланиш кор-хоналари хизматиси та-саввор этиш қийин. Шу кўни очиладиган ярмар-каларда сотиладиган байрам таомлари, турли пишириклар, қандолат махсулотлари, шунинг-дек ноёб саноят буюм-лари шубҳасиз барчани-нг кайфиятини кўтарди, қувончға қувонч қўшади. Шундай экан, соҳа хо-димлари байрамға қандай совға ҳозирлашмоқ-да? Тошкент вилояти «Матлуботсавдо» акция-дорлик компанияси бош-қаруви раисининг би-ринчи муовини О.Ахро-ров билан шу ҳақда суҳ-батлашдик. - Вилоятимиз кишлоқ аҳолисиға байрам кўнла-ри ҳар қачонгидан ҳам намуналий савдо хизмати кўрсатиш ниятидамыз. Барча туман марказла-ри, кишлоқ марказий кўрганларида озик-овқат ва саноят моллари сав-до ярмаркалари ишлаб туради. Олик кишлоқлар аҳолисиға ўнча кўчма дў-кон хизмат қилади. Бай-рам арафасида 22 та ян-ги дўкон ва ошхона, бир қанча нон ва нон махсу-лотлари ишлаб чиқара-диган цехлар очилди. Уруш ва меҳнат фах-рийлари, ноғиронлар, кам таъминланган оила-лар, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ало-ҳида эъзозда бўлади. Улар учун махсус байрам дастурхони ёзилади, совға-саломлар топши-рилади. Шу мақсадда қарийб ярим миллион сўм маблағ сарфланади. Айни вақтда матлубот-чиларимиз мактаб ўқу-чиларини ўқув қуролла-ри, дафтар ва дарслик-лар билан таъминлашға алоҳида эътибор бер-моқдалар. Шу мақсадда тизимимиз бўйича жойларда 80 та «Мактаб бозор»лари ва 45 та шун-дай махсус бўлимлар очилди. (ЎЗА)

Имтиёз КАТТА ҚАРВОН

Мустақилликнинг илк йиллари-даги янгиликлардан баъзилар хайратланиб яна бировлар эса таажжубға тушганди. Орзулар би-рин-кетини ушалмоқда. Кечағи хайрат бугунги хақиқатға айланди. Истиклол онгимизни, шуғуримизни янгилади.

Шахсий автомобилларда йўловчилар ташвиш ассоциацияси - «ЧАП авто» мустақиллик меваси. Бугун у кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда қўли келмоқда. Сифатли ва малакали хиз-матдан мамнун бўлаётганлар кўп. Шинам, бежирим автомобил, ҳушмуомала хайдовчи баҳри дилинғизни очиб юбо-ради, йул захматларини сезмай ҳа қо-ласиз.

Ассоциациямиз ўз фаолиятини бошлаганида 10 та автобус ва микроав-тобус эгалари иккилана-иккилана кўни-шанди, - дейди «ЧАП авто» нинг Сирда-рё вилояти бўйича раҳбари Ҳамза Олт-мишев. - Қиска фурсатларда унинг аф-залликлари яққол кўзға ташланди. Хо-зири пайтда юз нафарға яқин шахсий транспорт эгалари сафимизға бирлаш-ган. Уларнинг ўз йўналиши бор. Барча-си жадаллиға қатъий амал қилиб ишлаб келмоқда.

Илк қадамларнинг оғир кечиши та-бийи. Аммо «қаловини топсанг қор ҳам ёнади», деганларидек уюшма мутасад-дилари сира тинчишмади. Тарғибот-ташвиқотни қучайтириш янгиликни тўғри тушуинтира билди. Республика Ва-зирлар Маҳкамасининг, вилоят ҳоким-ининг қарорлари бу борадағи «тушов-ларни ечиб ташлади. Аввалиға муайян даромаддан маҳрум бўлишдан қўчиган-лар эндиликда бу уюшмага талпинди. Чўки йўловчи ташвиқотчи малакали хиз-мати юзасидан «ЧАП авто» ҳам қоли-лар шохсупасини эғаллади. Бугунги кун-да вилоятнинг турли туман ва кишлоқ-ларига йўналиш бўйича уюшма транс-порти қатновчи йўлга қўйилган. Биргина Гулистон шаҳрининг ўзида 5 дан ортик автобекатлар бор. «Темир йул» бекати-дан 4-5 мавзе йўналиши бўйича 20 та микроавтобус қатновчи йўлга қўйилган. Йўналишларға қатновчи микроавто-бусларға йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки нафардан хайдовчи бириктирилган. «Гулистон-Тошкент» шаҳарлар аро йўналишининг очилиши ҳам миҳозларға қўл келаяпти. Шунингдек, «Гулистон-Дехқонобод» кўр-ғони йўналиши бўйича 7 та микроавто-

бус, ўнлаб «Дамас»лар қатновчи ташкил этилди. Яқинда ана шу йўналиш бўйича бежирим шохбекат, диспетчерлик пунк-ти ишға туширилди. Биз йўналишлар бўйича қатнаётган хайдовчилар билан суҳбатда бўлдик.

Мамлакатимиз мустақиллиғи ту-файли кўп нарсаларға эришяммиз, - дейди хайдовчи Эшқул Жўраев. - «ЧАП авто» нинг ташкил этилгани жуда қўл келаяпти. Илгари шаҳарнинг турли ери-да изғиб, йўловчи ахтарардик. Энди эса манзил аниқ. Боз устиға биз ҳам бир ташкилотға аъзоамиз. Биз ҳақимизда қайғурувчи мутасаддилар бор. Яқин кун-ларда ўз устахонамизға ҳам эға бўла-миз.

Гапнинг очиги йўналиш бўйича рух-сатнома олиш малол келганди, - дейди Усмон Худойкулов. - Бунинг афзаллик-лари жуда катта экан. Тўриси, топиш-тутишимизға ҳам барака кирди.

Қайси қўлайликлар сизға маъқул, - сўрадик ундан.

Энг аввало, йўловчилар ўз манзил-ларига борғунча микроавтобиллар бекати-ға ўрганишди, - дейди Усмон. - Қола-верса йўлдағи текшир-текширлардан қу-тилдик. Расмий ҳужжатға эға бўлдик.

«ЧАП авто» аъзолари қамрови ке-ңайиб бораёпти. Улар ўзгаларниқига ўх-шамайдиған махсус кийим-бошн эға бў-лишнинг режалаштирмоқда. Айни эғда ўз рамзий белгиларига эға бўлиш истағи ҳам йўқ эмас.

Топган даромадимизни уюшмани ривожлантириш билан биргалиқда тур-ли хайрия тадбирларға сарфляймиз. Ҳам - дейди Ҳамза Олтмишев. - Аёл-лар йили муносабати билан хотин-қиз-лар байрами кўни шаҳар йўналишлари-ға авто уловлариниш ола-сингиллари-мизға бепул транспорт хизмати кўрсат-ди. Хотира ва Қадрлаш кўни кексалар-ға, болаларни ҳимоя қилиш кўни келаж-жақ ворислари бундай имтиёзлардан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, «Бўс-тон» маҳалласи фаоллари тақлифига му-вофиқ шу ерда яшовчи уруш фахрийларидан 20 нафар кексалар микроавтобусларда бепул юриш ҳуқуқини кўлга киритишди. Хуллас, юртимизға, халқимизға бундан ҳам яхшироқ хизмат кўрсатиш ниятидамыз.

«ЧАП авто» нинг келажағи порлоқ. У юртдошларимизға беминнат хизмат қи-лишдек савоблий ишни аъло бажараял-ти десак муболага бўлмас. Истиклол ша-рофати туфайли дунёға келган уюшма бундан ҳам юксалаверсин.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч»муҳбири.

ИСТИҚДОЛИМИЗНИНГ



КОЛЛЕЖ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Андижон вилоятининг Асака туманидағи янги кишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежи бу ўқув йилда дастлабки талабаларни қа-бул қилади.

Коллежининг замонавий таълим-тарбия жараёни талабларига жавоб бера-диган янги биноси «Агро-жамқурилиш» вилоят бир-лашмасининг 129-механи-зациялашган кўчма колон-наси жамоаси томонидан вилоятдағи бир қанча ки-чик пудрат қурилиш таш-килотлари кўмағида қурил-ди.

Ўқув юртининг танлов асосида қабул қилинган ўқитувчилари ва малакали усталари кишлоқ ҳўжалиғи учун мутахассислар - кичик агрономлар, муҳандислар, юридик махшлатчилар, менежерлар тайёрлайди.

Янги ўқув йилида вилоят шаҳар ва туманларида ун-иккита касб-ҳунар коллежи иш бошлайди. Шулардан олтигаси янги биноларда жойлашган. Қолганларини-нг биноси эса бутунлай қайта қурилган. Андижон Тиббиёт институти ҳузури-да эса академик лицей иш бошлайди.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вази-рлиғи ва Тошкент шаҳар ҳокимлиғи пойтахтдағи 2-сон болалар Мурувват уйида Мустақиллик байрамиға ба-ғишланган тадбир ўтказди. 400 дан ортик ноғирон бо-лалар тарбияланаётган ушбу Мурувват уйида кичкин-тойлар учун ноз-неъматға тўла байрам дастурхони ёзи-либ, ош тортилди. Бу хайрли ишға «Отчолар» ва «Ас-кия» бозорлари маъмурияти ҳомийлик қилди.

Байрам болалар уйи тарбияланувчилари тайёрлаган концерт дастури билан якунланди.

8 йиллиғи олдида

да ҳам чуқур ислохотлар ўтказилди. Мустақиллиги-мизнинг биринчи йили-даёқ Президентимиз эн-ди ўзимизнинг одил су-димиз, олий судимиз бор-деб таъкидлаб ўтган эди-лар. Бу борада туб ўза-ришларға эришдик. Суд ҳокимияти мустақилликка эришиши учун имконият яратилди. Бу муҳим ҳаё-тий муаммо барча ривож-ланган мамлакатларға мансуб. Суд ҳокимияти-нинг мустақиллиғи, аниқ-роғи суд ва судьянинг бо-шоқа идораларға, сиё-сий партияларға, жамоат бирлашмаларига, ман-сабдор шахсларға бўйсунмаслиғи одил суд-ловнинг узвий шартла-ридан биридир. Мустақил-лик йилларида судлар ижроия идораларига бўйсунарди, тўғриси, партия яккахуқумронлиғи остида эди. Бу ҳолға ҳу-қуқий жиҳатдан бархам берилди. Конституция-мизнинг 11-моддасида суд ҳокимиятини қонун чиқарувчи ва ижро эту-вчи ҳокимиятлардан ҳоли


ТЕРРОРЧИЛАР МУНОСИБ ЖАВОБ ОЛАДИ

мамлакатларидангина эмас, бир қанча бошқа дав-латлардан чиққан шахслар ҳам борлиғи терроризм билан экстремизмнинг байналмилаллашаётгани-дан далолат беради. Бу хо-дисалар бирон-бир мил-лий хусусиятға эға бўлмай, минтақадағи барча давлат-ларға умумий хавф сола-ди. Томонлар халқро тер-рорчиларнинг нияти киши-ларни гаровга олиш ҳамда тинч аҳолини ўлдиришдек шафқатсиз усулларни кўллаш йўли билан Мар-казий Осиёдағи вазият-ни издан чиқариш экани-

га аминдирлар. Маърифий, демократик ва дунёвий жамият қуриш ҳамда ривожлантириш йў-лидан бораётган Марказий Осиё мамлакатлари шунға ҳам аминдирки, ислом эк-стремизми раҳнамолари ва жангарилари ўз ҳаракатла-рининг беҳудаллигини кўра билга туриб, тарих гилди-рагини орқаға қайтармоқ-чи бўлмақда. БМТ, ЕХХТ, Ислоом Кон-ференцияси Ташкилоти ва бошқа халқро ташкилот-ларға аъзо бўлган Марка-зий Осиё мамлакатлари ўз-ларининг халқро террори-зм, уюшган жиноятчилик ва

наркобизнесға қарши кура-шида халқро ҳамжамият-нинг кенг ва изчил қўллаб қувватлашини ҳис этиб ту-рибди. Қозоғистон Республика-си ва Ўзбекистон Респу-бликаси Қирғизистон Рес-публикасининг террорчи гуруҳларни йўқ қилишға қаратилган саъй-ҳаракат-ларини қатъий қўллаб-қув-ватлайди ҳамда Қирғизис-тон Республикасиға ҳар то-монлама, жумладан, ҳарбий кўмак беришға тайёрдир. Томонлар ўз давлатлари жамоатчилигини саъй-ҳа-ракатларни бирлаштирган

1999 йил — Аёллар йили



Меҳнатдан топдим бахтим, Ушалган орзум, ахдим - Чин иқболдан ўргилай. Истиклолдан ўргилай, - дейди Уйчи туманидағи Абдували Мўминов номли ширкат ҳўжалигининг илгор теримчиси Муножотхон Тураева. А.ЮСУФБОВ олган сурат.

Қатагон қурбонлари

Бугунги ҳикоямиз миллий кино санъатимизнинг уч пахлавони ҳақида. Улардан бири - Худойберган Девонов Хоразм воҳасидаги нодир кадрларни биринчи бўлиб суратга олган. Иккинчиси - Сулаймон Хўжаев актёр, режиссёр, кинодраматург сифатида ижодини эндигина бошлаган. Учинчиси - Наби Ганиев кино ишлаб чиқариш устаси, ўнлаб актёрларнинг мураббийси, режиссуранинг сирларини бевосита ижод давларида кўрган, ўрганган ўткир зеҳли санъаткор эди. Бу ноёб истеъдод эгаларидан иккисини шўролар ҳукумати қатл этди, учинчисини бир умр таъкиб этди...

Шукри, Мустанкилл туфайли улар ҳақида бор гапни айтиш имконига эга бўлди. Ававаллари ёпиқ темир эшиклар очилиб, бу буюк шахсларни ўзимиз учун қайта кашф этдик.

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ - БИРИНЧИ ЎЗБЕК КИНООПЕРАТОРИ

Ўз ССР НКВД ХОО Бош-лиги Фармойиши 1937 йил август ойи, 17 кун. Урганч шаҳри. Девонов Худойберган. Туғилган йили 1878 (айрим ҳужжатларда 1888 йил деб кўрсатилган - Х.А.). Миллати ўзбек. Маълумотли. Партиёга кирмаган. Хивалик. Хон ноизири оиласидан. Ўзи ҳам Исфаҳондёрхон ва Мадрамагоннинг собиқ бевоқиб суратчиси... Урганч шаҳрида халқ ўртасида аксилкилобий голярни, миллатчиликни доимо тарғиб этиб келган. Шу боис қарор қилинди: Гражданин Худойберган Девонов Ўз ССР ЖКнинг 66-бандига мувофиқ айбондан ва Урганч қамқоҳонасида соқчилар назорати-га олинди.

1937 йил 8 сентябрдаги сўроқ протоколидан: Савол: Сизга пенсия бериш масаласини ким қўраганини батафсил айтиб беринг.

Жавоб: 1935 йилнинг сентябр ойи бўлса керак, Урганчга УЗКП(б) МК-нинг қотиби Икромов таъриф буюрди. Уни суратга олиш учун мени Исроилонинг уйига таклиф этдилди. Чонога кирсам, Икромовга дўш келдим. У менга қараб ёшим ўтиб қолганини айтди. Сўнгра ўша хонадаги Хасанов, Исроилон, Қориев ва бошқаларга қараб «Ота қариб қолдилар. Округ ижрокўмида пенсия бериш ҳақида қарор тайёрлаб, Тошкентга юборинг, биз бу масалани кўриб чиқиб, олдлик пенсия тайин қиламиз», деди.

...Маълум вақт ўтгандан кейин Тошкентга округ қарорини олиб бордим. «Икромов йўқ», дейишди. Берелин хузурига кирдим ва Икромов билан бўлган гапни айтиб, қарорни кўрсатдим. Шунда Берелин «Икромов йўқ, лекин хужжати Ф.Хўжаев орқали расмийлаштириш» деди ва Хўжаевнинг секретари Абдуллажоновга қўнғирқ қилиб, масалани тушунтирди... Тайин этилган кун Ф.Хўжаев хузурига бордим. Воқеани батафсил айтиб бердим. У мени қўлаб қувватлади. Роппа-роса уч кундан кейин Совнаркомнинг қарорини олдим. Ф.Хўжаев имзо чеккан бу ҳужжат бўйича...

ча менга ойига 300 сўм пенсия тайинланди.

1937 йил 27 сентябрдаги сўроқ протоколидан: Савол: Терговда маълум бўлишича, сиз одамлар орасида аксилкилобий тарбиёт ишлари билан шуғуллангансиз. Сиз «Совет ҳукуматида ҳамма нарсамизни - ерни, молни топширидик, ўзимизда ҳеч вақо қолмади», дебсиз.

Шуларни тасдиқлайсизми? Жавоб: ...Яна бир қарра айтман: агар мен 1926-1927 йиллари 15,5 таноб ермини топширмай, унга ишлов беришни давом эттирганимда эди, мени «қулоқ» қилишарди, албатта, ҳужалигимни йўқ қилишарди. Бунга мен олдиндан ҳисобга олдим. Шу сабабли «қулоқ» қилинмадим.

Савол: Уйингизда хон туҳфа қилган қостомини кийиб Матрасул Юсуповга ҳамда Мадамин Юсуповга: «Мана, бу қостом хориждан келтирилган материалдан тикилган. Уни неча йилдан бери кийиб юрибман. Халигача андех». Кейин шимингизга ишора қилиб эса «Мана, бу шимини советлар ишлаб...

ланганман.

Савол: Терговдан шу нарса маълум бўлдики, сиз Тошкентга Ф.Хўжаевга ҳамда Д.Ризаевга жосулик материаллари бериш учун келгансиз. Бўйингизга оласизми? Жавоб: Йўқ.

1937 йил 1 декабр Айбнома Худойберган Девонов 1920 йилдан бошлаб, то хибга олинувчига қадар аксилкилобий, миллатчилик тарғиб этиб келган ташкилотнинг аъзоси бўлган, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган. 1934 йилдан бошлаб Ф.Хўжаев ва Д.Ризаев топшириги билан инглиз разведкаси манфаатларини қўлаб иш қўрган. Шу иш бўйича айбончи сифатида жавобгарликка тортилсин.

Шундан кейин киномотографиямиз қалдирғочининг тақдирини нима бўлди, деган ҳақли савол туғилди. Мана, эшитинг.

1938 йил 4 октябр. Х.Девонов «Иш»ни СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси қабул қилиб олди. Эртасигаёқ бўлиб...

Иккинчи кино арбоби - Сулаймон Хўжаев - сценарийнавис, режиссёр, актёр. Ўзбек киносининг асосчиларидан бири.

У хибга олинган, «Махбус С.Хўжаевнинг шахсий варакаси»да қуйидаги маълумотлар қайд этилган эди.

С.Хўжаев - 1892 йили туғилган. Ишсиз (чунки у киностудиядан ишдан бўшатилган) - Х.А.). Қасб кинорежиссёр. Ўрта дехон оиласидан. Ўзбек. Маълумоти: олий диний, бошланғич умумий маълумот. Турар жойи: Тошкент, «Чорсу» маҳалласи, 152-уй. Яқин дўстлари: Низомитдин Хўжаев, Фулом Зафарий, Қодирий (Жулқунбой).

Қуйида профессор Хамид Сулаймоннинг отаси Сулаймон Хўжаев ҳақида қолдирган маълумотлар билан танишгансиз:

«Отам Умархожи ўғли Сулаймонхўжа 1892 йили Тошкентнинг собиқ Бешёғоч даҳасидаги «Қамолон» маҳалласида дехон оиласида дунёга келган. Отадан уч ёшида етим қолиб, бева онаси Офтоб ойма ва бобоси қўлида тарбия топди. Отанинг тоғаларини билан бири - тошкентлик йирик филолог олим Салоҳиддинхўжа «Пир» тахаллуси билан шуҳрат қозongan шoir эди. У Шарофиддин Али-Яздийнинг «Зафарнома Теурий» асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган. Мадраса учун араб, форс тилларини дарс қиларди тузган. Шундай олим ва шoir...

Тергов протоколидан: 1934 йил 13 декабр. С.Хўжаев жавоби: «1916-1917 йиллари илгор жамят - «Турон» аъзолари орасида Фулом Зафарий, Қодирий (Жулқунбой) ҳам бор эди... Кейинги пайтда Мир Азимов, Чепрунов (ёзувчи), Фози Юнусов (Ўзбекистон Давлат нашриётининг собиқ ходими), Эсон Мусаев, доктор Поляк... билан яқин алоқада бўлганман. Жулқунбой билан дин масаласида келишолмадик. Аразлашганмиз... 1,2 ва 3 декабр кунлари профессор Фитрат билан учрашдим. Уйига боришимдан мақсад ҳамкорликда ёзиладиган сценарий «Умар ҳокимлик қилётган мамлакатда» (бу ўринда гап мусулмон хижрий йил ҳисобини жорий этган халифа ҳақида кетаяпти - Х.А.) тўғрисида сўзлашди эди... Иккинчи марта Фитратнинг уйига борганимда, у ерда ҳалқ холифи домла Халимин (балки машур хонанда домла Халим Ибодовни назарда тутаетгандир - Х.А.) учратдим. Хар гал у хонандани икки соатча бўлардим...»

1934 йил 17 декабр. Савол: Хўжаев, спиритизм (спиритуализм - Х.А.) сеансларидаги иштирокингиз ҳамда мазкур сеанс...

кистонга келиши билан буйруқбозлик, қаттиққўллик янада кучайиб кетди. Бунга газеталарда ёзишмаепти. Зангиотодаги қариндошларим мени таклиф этишганди. Мен колхозга бормадим. Сабаби шуки, у ерга борсам, шикоят бошланарди, «пахта эк, деб мажбур қилишадий», кейин ўша этилди. Советларга қарши шахслар билан бирга бўлган. Ўзи ҳам советларга қарши. Шундай кайфиятдаги кишилар спиритизм ўйини давомида ўртоқ Сталинга нисбатан террор қўллаш голярини тарғиб қилдилар. Кировнинг ўлими муносабати билан С.Хўжаев...



пахта деб бизни суд қилишадий», каби сўзларни эшитишга тўри келди. Бундан ташқари, эшитишимча, далада пахта қолмаган, лекин планини бажар, деб мажбур қилишадий. Қандай қилиб планини бажариб бўлади?.. Бу хусусда шубҳам борлигини айтдим. Дехтаниш-билишлари даврасида Сталинни эмас, Кировнинг ўлдирилганидан афсусланганини айтган. Гражданин С.Хўжаев айбонувчи сифатида жавобгарликка тортилсин.

Сўнги икки маълумот: 1937 йилнинг 14 август кунин НКВДнинг «чулғи» томонидан С.Хўжаевга отиш жазоси берилди. 20 август кунин эса ҳукм ижро этилди.

Махбуснинг фарзанди Хамид Сулаймон тегишли идораларга ҳат эзиб, отасининг тақдирини ҳақида маълумот сўраганидан унинг отаси - Сулаймон Хўжаев қамқода ўз ажал билан 1943 йил 20 июнда вафот этгани тўғрисида хабар қилинган.

1938 йил 15 август - ҳукм ижросидан кейин. Сулаймон Хўжаевнинг «Тонг олдидан» фильмига махсус комиссиянинг берган баҳоси яна бир сўз мажлисида кўриб чиқилди. Бунга қарангки, ўлимидан кейин ҳам буюк санъаткорнинг руҳини тинч қўйишмади.

Куйида ўша ҳужжат матни билан танишасиз: «Тонг олдидан» фильми. Экрanga - 1934 йили чиққан. Маъзуси: Жиззах исёни. Хулосамиз: ижодкорлар ўз асарларида ҳадидларнинг сотқинлигини тарих олдидан оқламаганини қўйишган. Шу боис уларни фильмда 1916 йил исёнининг ташаббускорлари, раҳнамолари сифатида таърифлашга уринганлар. Фильм миллатчилик голярини тарғиб этади. Халқлар ўртасидаги дўстликни таранном этиш ўрнига адоват уруғини сепади. Ўзбек халқининг инқилоб сари боришида рус пролетариатининг хизматлари кўрсатилмаган. Фильмининг барча сахналари ҳадидлар ҳаракатини оқлашга қаратилган. Бу аксилкилобий асар 1934 йили озгина намойиш этилганидан кейин экранлардан олиб ташланган.

ҚАФАСТА СОЛИНГАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

1937 йил 8 сентябрдаги сўроқ протоколидан: Савол: Сизга пенсия бериш масаласини ким қўраганини батафсил айтиб беринг.

Жавоб: 1935 йилнинг сентябр ойи бўлса керак, Урганчга УЗКП(б) МК-нинг қотиби Икромов таъриф буюрди. Уни суратга олиш учун мени Исроилонинг уйига таклиф этдилди. Чонога кирсам, Икромовга дўш келдим. У менга қараб ёшим ўтиб қолганини айтди. Сўнгра ўша хонадаги Хасанов, Исроилон, Қориев ва бошқаларга қараб «Ота қариб қолдилар. Округ ижрокўмида пенсия бериш ҳақида қарор тайёрлаб, Тошкентга юборинг, биз бу масалани кўриб чиқиб, олдлик пенсия тайин қиламиз», деди.

...Маълум вақт ўтгандан кейин Тошкентга округ қарорини олиб бордим. «Икромов йўқ», дейишди. Берелин хузурига кирдим ва Икромов билан бўлган гапни айтиб, қарорни кўрсатдим. Шунда Берелин «Икромов йўқ, лекин хужжати Ф.Хўжаев орқали расмийлаштириш» деди ва Хўжаевнинг секретари Абдуллажоновга қўнғирқ қилиб, масалани тушунтирди... Тайин этилган кун Ф.Хўжаев хузурига бордим. Воқеани батафсил айтиб бердим. У мени қўлаб қувватлади. Роппа-роса уч кундан кейин Совнаркомнинг қарорини олдим. Ф.Хўжаев имзо чеккан бу ҳужжат бўйича...

1937 йил 16 декабрдаги сўроқ протоколидан бир лавҳа: Савол: Ф.Хўжаевнинг топшириги билан инглиз разведкасига хизмат қилгансиз. Нима учун Файзулла Хўжаев ва Давлат Ризаев туфайли сиз ойига 300 сўм оладиган шахсий пенсиясиз бўлиб олдингиз? Бир неча бор 500 сўмдан пул, молу мулк, патефон ҳамда минг сўм турадиган «Лейжа» фотоаппаратини беришган (изох: бу аппарати Х.Девоновга А.Икромов тақдим этган - Х.А.). Бунинг боиси нима? Жавоб: Булар билан «жосулик» фаолиятини учун эмас, фотоаппарат-суратчи бўлганим учун, «Правда Востока» газетасига хизмат қилганим учун мукофот...

ўтган суд мажлисида у ўзини айбдор эмаслиги, агар айбли деб топсалар, жазони инглизлаштиришларини илтимос қилди. Бирок... Шу кунги Худойберган Девонов олий жазага ҳукм этилди.

Хотима ўрнида Х.Девоновнинг шахсий архивини ўрганиш, асарларини, ҳажми фильmlарини топширишда кўп жойларда бўлди. Хива, Урганч, Москва, Красногорск, Тошкент студияларида нодир кадрларни излаб, у туширган кадрлар мосваалик киножурналистлари жуда қизиқтирганлиги билди.

Архивларда неча минг метр кино тасмаларини қайта-қайта томоша қилдик. Хоразм кўришлари мавжуд бўлган лавҳалар Девонов хондонидан топишган ҳужжатлар билан қиёс қилган ҳолда ўргандик. Натига Хива ўқинидаги «Шўр қўл» ҳақида у яратган кинолаҳзани тоғдиқ ва уни қалдирғоч кино арбоби ҳаётига бағишланган ҳужжати фильмига киритдик. Яқинда эса Хиванинг 1908-1909 йиллардаги кўришлари мурҳанга тасмалар ҳам топилди. Уни Миллий кинематографиямизнинг тўйига аталган ҳужжати киночеркча асос қилиб олдик. Бирок, минг афсуски, Ўрта Осиёда биринчи марта қўлига кинокамерани олган, немис, француз кинематографчиси билан алоқа ўрнатган, ҳамкорликда ишлаган ватандошларимизнинг ўнлаб фильмлари, минглаб фотолари, ноёб хатлари ва бошқа ҳужжатлари қатагон йиллари йўқ қилиб ташланган. Лекин ўша нодир кадрларни излашни давом эттиришимиз зарур. Мақсадга эришсак - Хоразмнинг ўша йиллардаги қиёфаси, мезморий ишоотлар кўриниши, хоразмликларнинг либослари, урф-одатларини тасаввур этиш имкони туғилди.

лар оиласида ўсиб етишган буюм - Офтоб ойма-нинг (Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романидаги Офтоб ойма)нинг ажайиб образини яратишда шу шахс, яъни, Сулаймон Хўжаевнинг онасидан илҳом олган, деган фикр кенг тарқалган. Бу ҳақда Қодирий фарзандлари Хабибулла ака билан ҳам кўп суҳбатлашган эдик - Х.А.). Эски адабий анъаналар ва халқ китоблари таъсирида тарбияланган Офтоб ойма кўриниш оқу қораси бўлган битта-ў битта ўғли Сулаймонхўжаевнинг тарбиясида устидан кўп қайғурди. Унинг мактаб тарбиясини ўз назорати остига олиб, кейинчалик болалари мударрислик қилган Қўқалдор мадрасасига ўқишга беради.

Отанинг мадрасидаги ҳамда хўжа дўстларидан эди яқинлари севимли адиби Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ва драматург Фулом Зафарийлар эди. Улар билан дадам болалик чоғларидан бирга ўсиб катта бўлган. Бу дўстлик шубҳасиз, уларнинг дунёқараши, қалби, завқи ва диалогларининг бир-бирига монандлиги билан изоҳланади (тергов қайдномаларида ёзилишича, Сулаймонхўжа Қодирий билан фақат дин масалаларида келиша олганини айтган, шу билан бирга, ундан «Яқин дўстларингизни айтинг» деб талаб этганларидан биринчилар қатори Абдулла Қодирийни тилга олган - Х.А.).

1927-1932-йиллари отам Сулаймонхўжа «Работ қашқирлари» (Содиқ ролида), «Чодра» (ёш инженер ролида), «Сўнгги бек» (деҳқон Абдурахмон ролида), «Авлининг қизи» (Абдунаби эшон ролида) фильмларида иштирок этган. 1932-1934 йиллари эса сценарист ва режиссёр сифатида «Машина ва пахта», 1916 йилги қўзғолон ҳақида «Тонг олдидан» фильмининг суратга олган. Кейинги фильмининг Шайхонтоҳурдаги кино - фабрикада Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев кўргани ва ҳаммага манзур бўлгани эдимиз.

ларнинг моҳияти ҳақида маълумот беринг.

Жавоб: Спиритизм сеансларида икки марта бўлганман. У ерга ўз хоҳишим билан борганман. Биринчи марта «Правда Востока» редакциясида ишлайдиган Андреевнинг уйида кўрдим. Бу уйнинг сирлари билан таништинман. Иккинчи марта Рубинштейн хондонидан бўлганимда уйин бошланғич билан руҳларни қақира бошладик. Сирли равишда пайдо бўлган ва бир-бирларига улашиб сўзларни ташкил эта бошлаган харфларни ёзиб боришни мендан илтимос қилишди. Шунда харфлар, сўзлар бир-бирига улашиб «Иосиф Сталин 1936 йили ўлдирилди» жумласини ташкил этди...

Шундан сўнг тез орада Рубинштейн қамқоққа олинди.

Савол: 24-25 ноябр кунлари (1934 й. - Х.А.) кимлар билан учрашгансиз ва нималар ҳақида гаплашгансиз? Жавоб: Уйимга Эсонни (бу ўринда гап Эсон Мусаев ҳақида кетаяпти. У, Сулаймон Хўжаевнинг эътирофи этишича, Эсон Шаҳидий, Эсон Афанди номи билан танилган. Туркияда тахсил қўрган. «Панисломист» ва «миллатчилик» фаолияти учун сургун қилинган - Х.А.) ҳамда қўшин Файзулла Тўрақўжаевни таклиф этдим. Кечаси соат иккигача гаплашди ўтирдик... Куйишув Ўзбе...

қонлар ҳам норози бўлсалар керак-да. Ўша кунин ўзининг шахсий фикрини айтдим, Куйишув келганидан кейин қаттиққўллик билан таъбир қўлланилапти, дедим.

1934 йил 29 декабр. С.Хўжаев: «Ҳа, мен хорижда турли партиялар борлиги ва улар ўз матбуотига эга эканлиги, ҳеч ким ёзишни таъқиқламастлигини айтган эдим. Бизда бўлса компартиянинг расмий матбуотидан ташқари бирорта бошқа партиянинг ўз матбуоти бўлиши таъқиқланган. Туркистон жумҳурияти тўғрисида ўша кезлари ким нимани хоҳласа ушани ёзаверарди, деганман ва Тўрақўлов ҳамда Қодирийнинг матбуотдаги мунозарасини мисол сифатида қўрсатганман».

1935 йил 31 январ. «Гувоҳ» Наф Нигматуллин (киностудия ходими - Х.А.): Кўчада кетаятган эдик. Радиодан Кировнинг ўлими ҳақидаги ахборотни эшитиб қолдик. С.Хўжаев ўзбекча бариқдек деди. Гап оҳангидан билдикмики, у «қотилларнинг қўли каттасига етмабди-да» (қайдномда русча келтирилган: «Проклятые, до главного руки не дотянулись» - изоҳ бизники Х.А.) деди.

С.Хўжаев: Мен «Сталин» сўзини талаффуз этганимдими? Нигматуллин: Эсимда йўқ.

1934 йил 20 декабр. ФАРМОЙИШ... Сулаймон Хўжаев етарли даражада фoш...



НАБИ ГАНИЕВ - ЎЗБЕК БАДИИЙ КИНОСИ АСОСЧИСИ

Бу улкан санъаткорнинг деярли барча асарлари шўролар тузумига хизмат қилган доғматик танқидчиликнинг эътиборидан четда қолмаган. Шўролар ҳукмронлигига шубҳа билан қараган Наби Ганиевда 1926-1927 йиллари «Ҳокимият кимники?» асари учун кўп дақиқадан-дақиқадан урғанган. «Рамазон» (1932 йил) фильмида дин тарғиб қилинган деб яна муҳомада қилинган. «Йигит» (1935 йил) асаридан Қизил Армияни камситгансиз, болшевикларнинг ақл-идрокони таърифлаш ўрнига, босмачиларни оқламақчи бўлгансиз, деб сиёсий айб қўйишган... Шундан кейин Наби ака 6-7 йил мобайнида мутлақо фильм устида ишлаш имконига эга бўлмаган. 27 ой зиндон азобини кўрган. Лекин мўъжиза рўй бериб овоз бўлганидан сўнг инсоннинг олижаноб фазилатлари, унинг юксак ҳис-туйғуларини таранном этиш учун янги экран воситаларини излаган. Уларни топишга ҳам эришган. Лекин яна сунъий тўсиқлар пайдо бўлган. Шу сабабли, «Тоҳир ва Зухра»га режиссёр этиб тайинлашлари жараёни жуда оғир кечган. Қамалиб чиққан, партия сафига кирмаган бу шахсга ши беришлари мушкул эди. «Насриддин сарғузашлар» экранга чиққанида эса болшевикларнинг бош газетаси «Правда» мақола эълон қилиб, яна Н.Ганиевга танқид тошларини отган. Сўнги зарба унга 1948 йили берилди. У оддий ўзбек кишилоғи, унинг кишилари ҳақида ҳикоя қилувчи «Фаргона қизини» суратга олганда «Кизил Ўзбекистон» газетаси унинг ижодкорларини таҳририятга таклиф этди. Яна танқид авжига чиқди. Асарга партиявийлик руҳи еттишмади, коммунистларнинг раҳбарлиги кўрсатилмаган каби айблар қўйилди. Шу тарихда Наби ака қасалга қачинда ва 49 ёшида Қўқчадаги уйда вафот этди. Ниятлари эса улкан эди: «Алпомиш»нинг сценарийсини қўлга олган, А.Қаҳҳорнинг «Шохи сўзана»сини кинокомедияга айлантиришмоқчи бўлган чоғлари эди...

Фидойий санъаткорнинг ана шу минг бир қанча азоб-ғула кунлари қандай ўтганини ҳужжатлар ёрдамида бироз тиклашга уриниб кўрайлик.

Тошкент шаҳри, 1937 йил 27 сентябр. ФАРМОЙИШ: Наби Ганиев Тошкент кино фабрикасида режиссёр сифатида ишлаган (1937 йили Н.Ганиев киностудиядан бўшатилгани ҳужжатлардан маълум - Х.А.) фильмларида миллатчилик голярини, советларга қарши дунёқарашини ифода этгани учун ишдан бўшатилган. Фoш этилганидан аламзада бўлиб советларга қарши тарғибот ишларини олиб борган, марказий газета раҳбарига нисбатан террористик ҳаракатини режалаштир-

ган... Ганиев қамқоққа олинсин.

1939 йил 20 июндаги тергов протоколидан: Халил Енгаличев (киностудиянинг собиқ директори): «Йигит» (Н.Ганиевнинг сўнги овозсиз фильми) аввал қабул қилинган эди. УЗКП (б) МК собиқ секретари, эндиликда хибга олинган Икромовнинг кистови билангина экранга чиқарилган. Бу асарга бошқа миллатчилик ҳам ҳомийлик қилган эдилар. Масалан, Қаримов (ЎзССР ХКСнинг собиқ раиси, 1937 йили май ойида қамқоққа олинган) «Йигит»ни овозли қилишни талаб этган эди.

1939 йил 16 июн. Абдурахим Аҳмедов: Н.Ганиев сузларга маълум аксилкилобчи ва миллатчи, халқ душмани сифатида қораланган Фози Юнусов ва кинофабриканинг собиқ режиссёри, спиритизм тўғрагининг иштирокчиси, жазоланган Сулаймон Хўжаев билан узвий алоқада бўлган. Ганиевнинг кўмагида Фози Юнусов 1933-34 йиллари актёр сифатида кинофабрикада ишлаган. «Тонг олдидан» фильмида ҳадидларнинг сотқинлигини оқламақчи бўлганлар. «Рамазон»да кишилар диний қарашлардан маълумий чоралар таъсирида воз кечишга мажбур бўлаётгани кўрсатилган. Фильм динини қораламайди, аксинча уни ёқлайди. «Йигит»да босмачилар идеаллаштирилган. Улар куч-қудратли, жипслашган кишилар сифатида тасвирланган. Қизил Армия эса заиф қилиб кўрсатилган. Бу асарни аксилкилобчи, миллатчилар - А.Икромов, Ф.Хўжаев, Болтаев ва бошқалар УЗКП(б) МК боғида қўриб, зўр бериб мақтаганлари беҳиз эмас. «Юксалиш»да (бу ҳам Н.Ганиев фильми - Х.А.) социалистик мусобақа оммавий ҳаракат сифатида эмас, маъмурият қўллаган тадбир сифатида кўрсатилган.

Режиссёр Н.Ганиевнинг барча асарларини баҳолаш учун тузилган комиссиянинг 1938 йил 15 августдаги хулосаларидан айримлари:

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, «Йигит»да Қизил Армия жуда кўрimsиз ҳолда тасвирланган. Босмачилар тудаси кучли, пухта тайёрлагил қўрган кишилардан ташқил топган. Камбағал Пулат образига режиссёр ва актёр Ҳамраев (гап истеъдодли драматург ва актёр Эрғаш Ҳамраев ҳақида кетаяпти, у уруш бошланғичи билан - 1941 йили кўнгилли бўлиб фронтга жўнаган ва қахрамонларча ҳалок бўлган - Х.А.) томонидан шунчалик кўп ўрин берилганки, Қизил Армия сюжетдан мутлақо четда қолиб кетган. Бош қахрамон Пулатнинг ташқи кўриниши ҳам, хатти-ҳаракати ҳам сиёсий душманга қарши курашга отланган бечора дехқонга мос келмаган. Қизил Армия вакилларининг босмачиларга қарши курашдаги хизматларини кўрсатуви лавҳалар йўқ. Армиядаги сиёсий ишлар кўрсатилмаган. Хуллас, фильм буржуазия миллатчилиги руҳида яратилган.

«Ҳокимият кимники?» Муаллифи ва режиссёр Н.Ганиев.

Колхоз қурилиши учун бўлган кураш кўрсатилмаган. Унда бўҳтон, сиёсий адоват кўзга ташланади. Ешлар катталарга қарши қўйилади. Шу йўл билан Троцкийнинг «Ешлар - партиянинг барометри» концепцияси илгари сурилди. Фильмдаги «Ҳокимият кимники?» деган саволга томошабин жавоб топа олмайдди. Зеро, совет ҳокимиятининг бойларга қарши кураши жуда суст кўрсатилгани сабаб зодагонлар қудратли бир куч сифатида гавдаланади.

Фильм душман ишини қилади.

Комиссия аъзоларининг имзолари ва муҳр - «Ўзбек-фильм».

Яна бир ҳайъатнинг фикри билан танишинг. Бу «хулосаларни» томошалар ва репертуарни назорат қилувчи бўлим қозоғга тушириб, тергов органларига топширган:

«Йигит» асари бадий жиҳатдан жуда заиф бўлгани сабабли Москва уни экранга чиқаришга розилик бермапти (бу ўринда газетнон диққатини икки масалага қаратишни истардик: а) Москва бақувват асарни заиф деб баҳолаган, бунга ишонч ҳосил қилиш учун ҳозир ҳам уни қўриш, таҳлил қилиш ва холис баҳолаш мумкин. Овозсиз кинонинг бадий мезонларига риоя қилган ҳолда уни баҳолайдиган бўлсак, режиссёр, муаллиф, актёрлар «аъло баҳо»га лойиқ иш қилганларига ишонч ҳосил қиламиз; б) Ҳайъат республикаларда яратилган фильмларнинг экрандаги умри узоқ ёки қисқа бўладими ёки улар умуман экранга чиқмайдами - буларни Москва ҳал этишини судга топшириладиган ҳужжатда аниқ келтиришга мажбур бўлган). УЗКП (б)нинг собиқ раҳбари (Икромов) ва Совнарком (Ф.Хўжаев) асар...

ни намойиш этишни тавсия этишди. У миллатчиларга қўл келди... Босмачилар фақат Қизил Армия билан курашади. Уларнинг босқинчилик фаолияти кўрсатилмаган. Босмачилар асирликка тушганларида эса қишлоқ аҳли уларни тантана билан қутиб олади.

Фильм экранларда кўрсатишга ярамайди.

«Рамазон» фильми динга қарши курашга даъват этмайди. Аксинча, бой ва мулларлар экранда Совет ҳокимияти ва партиядан қучли бўлиб қолган. Бундай асар кўрсатилиши мумкин эмас.

«Ҳокимият кимники?» бадий асари Совет ҳокимияти ҳақида эмас, балки бойларнинг Советлар билан бўлган мунобақаси ҳақида.

«Юксалиш». ...Пахта йўқ. Завод тўхтаган. Ишчи бақиради: «Мана, сизларга зарбодлик, юзлаштиринг...» деб, жижимланган қостомини ёлқасига ташлаб, яна авахта томон йўл олган.

1941 йил 7 май кунин Ўз ССР Олий судининг жиний ишлар бўйича суд коллегияси қарор қилди: «Жиний ишлар бўйича Тошкент област судининг 1939 йил 15-19 декабрдаги ҳукми бекор қилинсин... қўшимча тергов ишлари лойиқ қилинсин...»

Хулоса қилиб айтганда, ўз даврининг буюк фарзанди, ўзбек киноси даргаларидан бири Наби Ганиевни ижодкор сифатида синдира олмадилар. У «Тоҳир ва Зухра»сини, «Насриддин»ни не-не азоб-укубатлар билан суратга олишга муваффақ бўлди. Лекин уни жисмонан ҳалокат ёқасига келтириб қўйдилар. Ижоди қайнаган барқамол 49 ёшида бандликни бажо келтирди. «Асад Исматовнинг ёнига қўйинлар мени», деган эди умр йўлдоши Маҳсума аяга. Шундай қилдилар...

Саҳифани профессор Хамидулла АҚБАРОВ тайёрлади.

Истиқлол нашидаси

Халқимизда «Тарих ўлмайди, кўлёмалар ёнмайди» деган машҳур ибора бор. Унинг нечоғлиқ хақиқатлигини Ўзбекистон Мустақиллигининг 8 йиллиги, машҳур саркарда ва буюк ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 ҳамда Огаҳий тугилган кунининг 190 йиллиги муносабати билан «Олтин мерос» халқаро жамғармасида очилган кўرғазма яна бир бор исботлади.

РАНГЛАРДА ЖИЛОЛАНГАН ТАРИХ

Кўрғазмада кунги кеча мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон халқ рассоми» унвонига сазовор бўлган маҳоратли мўйқалам устаси Тура Курёзов ва унинг шоғирдлари - Рустам Худойберганов, Эркабой Машарипов, Исқандар Воҳидов ҳамда ўғли хайкалтарош Улугбек Курёзовларнинг бир мавзу атрофида жамланган асарлари намойиш қилинди. Уларнинг асарларида, гарчанд бир неча ижодкор мўйқаламга мансуб бўлса-да, асосан бир мавзу ёритилди. Яъни, киндик қони тўкилган муқаддас туپроқ, бешигимизни тебратган она - Ватан ҳамда унинг ватанпарвар ўғлонлари турли кўриниш ва ҳолатларда акс этди.

Ўзига хос мўйқалам усталари - Эркабой Машарипов, Рустам Худойберганов ва Исқандар Воҳидовларнинг табиат тасвири билан омўхташиб кетган, тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақаладиган қадимий ва истиқлол нуридан жилоланган навқирон Хива манзаралари, Хоразм элини бутун дунёга машҳур қилган улуг алломаларнинг, беназир санъаткорларнинг меҳру муҳаббат билан ишланган суратлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, «Хива манзараси» (Э.Машарипов), «Дийшон қалъа» (И.Воҳидов), «Калта минор» (Р.Худойберганов) каби манзаралар ҳамда «Феруз» (Р.Худойберганов), «Огаҳий», «Нажмиддин Кубро», «Бола бахши» (Т.Курёзов), «Амир Темурнинг Тухтамишни енгизиши» (Э.Машарипов) сингари портрет жанридаги асарлари ўзининг серкательлиги, ранглардаги бетакрор жило ва тарихий-бадий мантиққа мос келиши билан ҳам қимматлидир.

Кўрғазманинг асосий қисмини жорий йилда 800 йиллиги кенг нишонланган машҳур саркарда, ҳақиқий ватанпарвар, мардлиги билан ҳатто душманининг ҳам ҳавасини келтирган Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган асарлар ташкил қилади. Қизиги шундаки, уни ҳар бир расом ўзича кашф этади ва ўзига хос услубда матода жонлантиради.

Иқтидорли расом Эркабой Машарипов Жалолиддин Мангубердини гоҳ рамзий-тимсолий тарзда акс эттирса, гоҳ ёшлик жўшқинлиги, вужудини тўлдирган гайрату шижоат билан гавдалантиради. Яна бир талант соҳиби бўлган Рустам Худойберганов эса Жалолиддинни мўғул босқинчилари билан бўлган энг сўнгги жанг олдида, тўғрироғи, жангнинг ҳал қилувчи палласидаги руҳий ҳолат фониде кўрсатади. Рассомнинг «Асло таслим бўлмаймиз» деб номланган мазкур асарда Мангуберди аҳли аёли, ёш фарзанди ва ўз яқинлари билан биргаликда тасвирланган. Картинани кўрган томошабин Жалолиддиндаги қатъиятнинг уни қуршаб турган одамларнинг ҳар бирига кўчиб ўтганини кўриши мумкин.

Кўрғазмага қўйилган асарлар ичида халқ рассоми Тура Курёзов қаламига мансуб полотнолар алоҳида ажралиб туради. Қирк йилдан буён мўйқаламга ошнорлик қилиб келатган бу заҳматқаш рассомнинг Жалолиддин Мангубердига бағишлаб ишланган асарлари ҳам талайгина. Унинг «Жанг олдида», «Жанг суронлари», «Жалолиддин Мангуберди» каби картиналари миллий қахрамоннинг жасоратига қўйилган муносиб ҳайкалдири. Мўйқалам устасининг ҳар бир асарда Жалолиддин Мангубердининг ўзига хос характери, қатъияти, мардлиги, ватанга бўлган чексиз муҳаббати яққол акс этиб туради.

Тура Курёзов ва унинг шоғирдлари қаламига мансуб асарлар ҳақида санъатшунос олим Абдулхай Умаров, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али ва бошқа меҳмонлар атрофлича фикр юритдилар.

Кун сайин эмас, дақиқа сайин яқинлашиб келатган улкан тўй, катта тантаналар олдида ўтказилган мазкур кўрғазма ҳам ўзига хос байрамга айланиб кетди. Муъжазгина бўлса-да, бениҳоя сермазмун ва серзавқ бўлган бу кўрғазмада қатор хорижий меҳмонлар, элчихоналар ва турли дипломатик корпус хизматчилари иштирок этишди. Айниқса, Жазаир Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Абдулқодир Риём ва Малайзия элчихонасининг иккинчи котиби Аминутдин Яҳяя жаноблари кўрғазмадан олган таассуротларини тўлқинланиб гапирдилар.

Кўрғазмада иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев рассомлар ижоди, хусусан, Жалолиддин Мангубердининг полотноларда акс эттирилиши ва унинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди.

Ўтмиши ўнлаб жылларга жо бўладиган ўзбек халқи тарихидан сўйловчи бу кўрғазма ҳали яна қанчадан қанча қалбларга қувонч бағишлаши, юракларни тўлқинлантириши, мушоҳада юритишга ундаши шубҳасиздир.

Темир ҚУРБОН,
«Ишонч» мухбири.

Ҳар тўғрида

ПЕНИЦИЛЛИН ШУНДАЙ ЯРАТИЛДИ

Лондонлик шифокор Александр Фломинг 1928 йилда могор микробларни ўлдирувчи аллақандай суюқлик ажратиш чикаришини ва бу суюқлик бўлма, куйдирги ва захм касалликларини тарқатувчи микробларни ҳам ўлдиролшини аниқлади. Инглиз олими мазкур суюқлик таркибидеги шифобахш моддани, яъни кейинчалик пенициллин деб ном олган дорини соф ҳолда ажратиш олиш усулини яратиш устиде ҳам кўп изланди.

1938 йили машҳур Оксфорд университетида пенициллин олишга оид илмий тадқиқотларда Фломингнинг муно-

сиб хиссаси кўшилди.

Оз миқдорда пенициллин ҳосил қилишга муваффақ бўлинди. Профессор Флори бу дорини амалда синаб кўришга қарор қилди. У қони захарланган бир беморга бир неча бор пенициллин укол қилди. Орадан бир неча кун ўтгач, беморнинг иситмаси қолди, баданидаги фасод ҳам барҳам топди.

Пенициллин синондан яхши ўтди. Бу дорини кашф этганлари учун Фломинг, Флори ва Чейнларга халқаро Нобель мукофоти берилди. Флори эса Англия фанлар академиясининг президенти қилиб сайланди.

«ТУРОН» СИҲАТГОҲИДА ЯНГИ БЎЛИМ

Аёллар йили муносабати билан Республика касаба уюшмалари Федерацияси томонидан белгиланган Дастур шарофати ила кўпгина хайрли ишлар рўйбга чикмоқда. Хусусан, Республикаимизда энг йирик дам олиш масканларидан бири бўлган «Турон» сиҳатгоҳида Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйи арафасида «Она ва бола» бўлими фойдаланишга топширилди.

Денгиз сатҳидан 360 метр баландликда жойлашган мазкур сиҳатгоҳ республикаимизда энг сеvimли масканлардандир. Санаторий 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, яшаш хоналари бир-икки кишилик ва шинам жиҳозланган. Ёз ойлари бу ерда ҳаво ҳарорати шаҳарга нисбатан 5-6 даража паст бўлади.

Сиҳатгоҳнинг кардиология, неврология, гинекология, андрология бўлимларида юқори малакали шифокорлар меҳнат қилишади. Бу ерда юрак қон-томир, асаб, бўгин ва бошқа касалликларнинг олдини олишда катта ютуқларга эришилмоқда. Реабилитация бўлимида ўткир инфаркт бўлган беморларга юракнинг ишлаш қобилиятини қайта тиклаш муолажалари тўлиқ ўтказилади. Шунингдек, кўз шифокорлари, стоматолог, гастроэнтеролог ва бошқа тиббиёт мутахассислари беморлар хизматиде.

Ташхис - даволаш бўлимининг асосини табиий омиллар билан даволаш ташкил этади. Шифобахш сувлар билан ошқозон-ичак, жигар ўт йўллари ювилади. Бунинг учун махсус хоналарда замонавий тиббий ускуналар ўрнатилган. Минерал сувли ҳовуз ҳам бор. Таянч-бўгин касалликларини даволаш бўйича мануал терапия, умуртқа поғонасининг бўгин, кўкрак ва бел қисми оғрийдиган беморларни даволайди-

ган мосламалар мавжуд.

Физиотерапия бўлими ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга. Лазеротерапия, компьютер-хоналари шулар жумласидандир. Сиҳатгоҳда игна билан даволаш кенг қўлланилади. Бундан ташқари беморлар балчиқ-озокерит, гидроаэролиннзация усули, кислородли коктейл, ҳар хил шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар билан даволанадилар. Турда уқалаш усулла-

ри мавжуд. Даволаниш вақтида парҳезли таомлар муштараклиги таъминланади.

Санаторийда дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чикаришлари учун ёзги ва қишки клублар ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда мустақил дам олиш соатлари, дискотекалар уюштирилади. Автобусларда пойтахтнинг гўзал ва зиёратгоҳ жойларига, табиат қўйнига саёҳатларга олиб борилади. Дам олувчилар биллиард, теннис, шахмат-шашка, бадминтон, волейбол ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш имкониятига эгадирлар.

Фаолиятни намунали ташкил этишда Ҳаким Нишонов, Карим Мансуров, Энур Шайхов, Муҳаббат Носирова, Турсунбой Аб-

дусаидов каби шифокор ва ходимларнинг ҳиссалари катта бўлаётир.

Ҳақиқатан ҳам мазкур сиҳатгоҳда кишиларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Юқоридаги «Она ва бола» бўлимининг очилиши фикримизнинг яққол далилидир. Бунинг учун катта маблағ сарфланди. Оилавий бўлимини куришда Федерация қошидаги Капитал курилиш бошқармаси ва «Вильям-Бизнес» фирмаси бунёдкорлари жонбозлик кўрсатдилар.

Барчага манзур бўлган янги бўлимини очишда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова иштирок этдилар. Йирилганлар мамлакат аёлларига кўрсатилаётган беқиёс меҳрибонликлар учун ҳукуматимиз раҳбариятига чексиз миннатдорчилик изҳор этдилар.

Гулом ЮСУПОВ

Суратда: янги бўлимининг умумий кўриниши. Ҳолмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.



ОЛМОСЛАР ҚАДИМ ОЛМОСЛАР

Олмос сўзи грекча «адамас» («енгилмас»), «бузилмас») ёки арабча «Алмос» («Энг мустаҳкам») деган сўзлардан келиб чикқан. Ута шаффоф, кўзни қамаштиргудек ярқирок бўлган. Бу нодир тош илгариги замонларда подшоҳларнинг тахт ва тожини, саркардаларнинг яроғларини, маликаларнинг шохона либосларини безаган.

Олмос турли рангда - оқ, оқши, яшил, пушти, кизгиш ва қора рангларда учрайди. Хусусан, пушти, зангори, яшил ва оқ рангдаги жилоланган хиллари болдоқ, узук, маржон ва бошқа қимматбахо нафис тақинчоқ буюмларга зеб беришда ишлатилади.

Олмос жуда кичик бўлақларда учраши ҳамда камёб қимматбахо бўлгани сабабли, қарат деб юритилувчи махсус ўлчов бирлиги билан ўлчанади. Бир қарат 0,2 граммга тенг. Бутун дунёда бор бўлган энг йирик олмослар эса бармоқ билан санарли миқдорда. «Шоҳ олмоси»нинг вазни 88,7 қарат бўлган. «Африка юлдузи» деган бриллиант ҳозир Лондондаги Тоуэра саройида сақланади.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг

Марказий Қўмитаси тармоқнинг барча ходимларини Республика Мустақиллигининг 8 йиллиги байрами билан қизгин муборакбод этади.

Озод юртимизнинг ҳар бир хонадонига файзу-баракот, тинчлик - хотиржамлик тилайди. Она Ватанимиз гуллаб яшнайверсин!

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зиёров (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латинов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: /133/ 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган, ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотува эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00